

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!



# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

# MEZON

№ 28  
(535)  
2007 йил  
10 июль  
сешанба

Бугун озодлигимиз, эркинлигимиз ва эзгу мақсадларимизга эришиш, жаҳон миқёсда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш, Ватанимизнинг истиқлолини ҳимоялаш, авваламбор, ўзимизга, ўзимизнинг имконият ва салоҳиятимизга, азму шижоатимизга боғлиқ эканини шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон чуқур англаб, тушуниб олиши даркор.

Ислом КАРИМОВ

Inson hayoti — oliy qadriyat

## Яшаш ҳуқуқи

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Бизга маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳар томонлама таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони билан ўлим жазосининг 2007 йил 29 июндаги «Ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқуллаши бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди, десак янглишмаймиз.

Мазкур Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал ва Жиноят ижроия кодексларига жиний жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш ҳамда уни умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш, ушбу жазоларни тайинлаш тартиби ҳамда уларни ижро этиш шартлари билан боғлиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилди.

Дарҳақиқат, бу жараённинг ҳуқуқий дебосчасини Давлатимиз раҳбари томонидан мустақилликнинг дастлабки кунларида белгилаб берилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш томоилларидан бири «қонун устуворлигини таъминлаш» ташкил этади.

Қонун устуворлигини таъминлаш эса бевосита инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган. Ана шундай ҳуқуқлардан бири инсоннинг яшаш ҳуқуқидир.

«Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», дейилади Конституцияимизнинг 24-моддасида. Мазкур ҳуқуқ — инсоннинг энг асосий ҳуқуқи, унинг ҳаёт кечириши кафолатидир. Давлатимиз қонунчилигида бу борада мустақамланган стратегик йўналиш тегишли халқаро-ҳуқуқий тижатларнинг асосий қондаларига тўла мувофиқдир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида: «**Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир**», дея белгилаб қўйилган, шунингдек, фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактининг 6-моддаси 1-бандида: «**Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Ҳеч ким ўзбошимчилик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди**», — деб қўрсатилганки, бу мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларга тўла мос келади.

фارق эмаслигимизни исботладик.

Жаҳондаги деярли барча мамлакатларда жиноятчиликка қарши кескин кураш чораси сифатида қўлланиб келинган ўлим жазосига барҳам бериш ҳозирги даврда ҳам долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Чунинчи, БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши томонидан 1984 йил 5 майда маъқуллашган «Ўлим жазосига маҳкум этилганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши таъминлаш чоралари» ва 1989 йил 24 майда тасвир этилган «Қонунсиз, ўзбошимча ва оммавий ўлим жазоларининг олдини олиш ва тергов қилиш самарадорлиги принциплари» номли халқаро ҳужжатларда барча давлатларга бир қанча талаблар қўйилган. Бу тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ўз аксини тўла топган. Демокримизки, ўлим жазосига оид ушбу қонунчилигимиз халқаро андозаларга мос.


«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт»нинг БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 15 декабрда қабул қилинган ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи Факультатив баённомаси барча ҳукуматларни ўлим жазосини бекор қилишга ва мазкур баённомани имзолашга чорлайди. Ҳозирги кунда мазкур Баённомага 62 мамлакат қўшилган. Ана шу давлатлар қаторидан Ўзбекистон ҳам ўрин олди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунда белгиланганидек, жиний жазо тури сифатида ўлим жазосининг бекор қилиниши ва унинг ўрнига умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар изчил давом этганидан далолатдир. Мазкур Қонуннинг биринчи моддасида Жиноят кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги қўрсатиб ўтилган. Қонуннинг иккинчи моддаси Жиноят процессуал кодексига, учинчи моддаси Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга бағишланган. Жумладан, Қонуннинг биринчи моддасига қўра, Жиноят кодексининг 15-моддасига ўзгариш киритилиб, ўта оғир жиноятларни қасддан содир этиб, ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар қўрсатиб ўтилган.

Шу маънода биз кўпгина ривожланган давлатлардан илгариллаб ўлим жазоси билан боғлиқ масалани ижобий ҳал этдик ва бунинг натижасида инсонлар тақдирига бе-



## Парвозинг юксак бўлсин, Юртим!



— Мен мустақил юрт фарзандиман. Истиқлол шарофати билан сирли диёр — Ирландияда ўтказилган БМТ конференциясида шитирок этиш бахтига мушарраф бўлдим, — дейди журналист Бекзод Бозоров. — Бунинг қарангки, биздан бир неча минг километр масофа олсанда Ирландияга атиги ўн соатда етиб бордик. Бизни ўз бағрига олган «Боинг-757» ҳаво кемаси самога парвоз қиларкан, негандир одамнинг мана бу сўзлари кулоқларим остида жаранлагандек бўлди:

2-бет

## «ИНСОН ва ҚОНУН» га жавоб берадилар

Б.Кушаконинг жиноят ишлари бўйича Карман туман суди қароридан норози бўлиб, «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси тахририятига йўлаган шикоятни жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судида ҳар томонлама текшириб чиқилди.

Тошкент шаҳридан сотиб олиб, Хива туманига қайта сотиш мақсадида олиб кетаётганида ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган текширувда аниқланишича, суриштирув даврида ва судда ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик далиллар ҳар томонлама ва синчковлик билан ўрганилган ва Б.Кушаконинг вақлари тўлиқ текширилмаган. Шу сабабли суд қарори бекор қилиниб, ишни қайта қўриб чиқиши қўриш учун жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судига юборилди.


М. БОБОВЕВ, Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судининг раиси

## Тараққиёт йўли

Мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари ҳақида вилоятлар миқёсда туркум мақолалар бериб бораёلمиз. Бу галги саҳифамизни Бухоро вилоятига бағишладик.

Бугунги кунда вилоятимиз ҳаётининг қайси соҳасида бўлмасин, бу саноят ёки қишлоқ ҳўжалиги бўладики, маданият, фан, таълим ёки соғлиқни сақлаш бўладики — уларнинг барчасида ўзига хос ютуқларни қўлга киритмоқда.

«Саломатлик-2» лойиҳасига кирган 133 та қишлоқ врачлик пунктларидан қарийб 100 та суд таъмирлаш ишлари охирига етказилди. Соғлиқни сақлаш тизимининг асосий кўзгуси ҳисобланган тез ёрдам соҳаси давр талаби асосида тақомиллаштириб бормоқда. Республика шоишлик тиббий ёрдам илмий маркази Бу-



хоро филиали ва унинг туман бўлими ўтган давр ичида фойдаланишга топширилди. «Гудик — Ависсена» Ўзбекистон Хундистон қўшма корхонасининг ишга туширилиши вилоятини сановатда янги микробиология (пуриил хил дори, малҳам, капсулалар) ишлаб чиқарадиган тармоқни вужудга келтирди. «Мармар», «Бух-Тел», «Хуашен», «Камеосса», «Урғучлик компанияси», «Петроқцентрат» ва бошқа қўшма корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нафақат вилоят ички бозори, балки хорижга экспорт қилиш учун ҳам мўлжалланмоқда.

«Бухорон маҳсулотлари» ҳудудий ҳиссадорлик бирлашмасида, «Бухорев» акционерлик жамиятида хориждан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилган, маҳсулот ишлаб чиқариш турлари кўпайди. Утган йили бухоролик галлакорлар ҳосилдорлигини гектар бошига 60 центнерга етказишди. Пахта ҳосилдорлиги эса гектар бошига 29,4 центнерни ташкил этди. Бу йил галлакорларнинг ҳам, зарфиносларнинг ҳам шаштлари банд, ниятлари қулғу. «Қумуш тола» ижодкорлари эса 2 минг 783 тонна пилла топшириб, шартнома мақбуриятларини ошия билан бақардилар.

2006 йилда вилоятда ишлаб чиқарилган галланнинг 54 фоизи фермер ҳўжалиқлари улushiга тўғри келди. Пахта сотишда бу рақам 89,6 фоизга етди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва молларини кўпайтириши рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан ҳам таъминланган оилаларга 1716 бош, шу йил эса 1634 бош қорамоллар бепул тарқатилди. Бу юртбошимиз томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорларнинг амалда изчил ижро этилаётганидан далолат беради.

Олим ЖУМАЕВ, Бухоро вилоят ҳўқимининг ўринбосари

3-бет

## Adliya yordam berdi

Тадбиркорлар ҳуқуқи ва қонуний манфаатларининг бузилиш ҳолатларини зудлик билан аниқлаш ва қонуний чоралар қўриш мақсадида Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идораларида жорий этилган ишонч телефонлари (008 рақам) мунтазам равишда ишлаб турибди ва тадбиркорларга тартиб қилиб келинмоқда.

Масалан, Навоий вилояти Қизилтепа туманида фаолият кўрсатаётган «Шифо» тижорат ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Ж.Хайриеванин 2007 йил 2 майда «ишонч телефонлари»га қилган мурожаати ўрганилганда, корхонага қарашли «Шифо» даволаш маскани назорат касса машинаси ўрнатмасдан келиб тушган 3.851.746 сўмини тўлалигида банк муассасасига топширилганига қарамастан, Қизилтепа туман ДСИ томонидан корхонага нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдорда молиявий жари-

## 008 га қўнғироқ қилинг!

Масалан, Навоий вилояти Қизилтепа туманида фаолият кўрсатаётган «Исроил обод» фермер ҳўжалиги раҳбари У.Солиевнинг ишонч телефонига қилган мурожаати ўрганиб чиқилганда, фермер ҳўжалиги томонидан тақдим этилган 2006 йил 7 декабрдаги «Оби зилот нури»

фермер ҳўжалиги 450.000 сўм ўтказиш тўғрисида 79-сонли ва 2007 йил 13 февралдаги «Очиқ ахачи» агрокимё таъминотига 600.000 сўм ўтказиш тўғрисидаги 6-сонли тўлов топшириқномалари АТ «Микрокредитбанк» Қўйган-ёр бўлимида Адлия вазирлигида 2006 йил

белгиланган муддатларда ижро этилмаётганини аниқланди. Адлия бошқармасининг 2007 йил 14 мартдаги тақдимномасига асосан ушбу қўнғубузилиш ҳолати бартараф этилди, фермернинг тўлов топшириқномалари ижро эти-

лиги таъминланган ҳолда бўлиб беш муҳосиб Ш.Мамазокировга «хайфсан» эълон қилинди. Юқоридагилардан қўриб турибдики, ҳар бир қўнғубузарлик тадбиркорлар йўлига қўйилган сунъий тўсиқдир. Шундай экан, тадбиркорлар билан ўзаро муносабатда бўлаётган мансабдор шахслар ўз фаолиятларини тубдан ўзгариштириши лозим. Зеро, иқтисодийётнинг раванки, эртанги кунимиз қандай бўлиши кўп жihatдан тадбиркорлар ривожига, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигига боғлиқ.

Абдулло АБДУЛЛАЕВ, Адлия вазирлиги масъул ходими



2007 йилнинг 1-ярим йиллигида ишонч телефонларига 682 та мурожаат келиб тушган. Шундан 234 таси, яъни, 34,3 фоизи асосли деб топилди, мурожаат этувчиларнинг ҳуқуқлари тикланди. 424 нафар тадбиркорга эса ҳуқуқий тушуниқтириш берилди.


Ассалому алайкум, «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси жамоаси! Биз, Адлия вазирлиги республика юристлар малакасини ошириш Маркази жамоасини «Инсон ва қонун» газетасига ҳар йили обуна бўлиш бораборида мазкур нашрни мунтазам равишда ўқиб бораемиз. Таъкидлаш жоизки, газета саҳифаларида адлия тизими фаолияти, суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотлар, қонун ижодкорлиги изчил тарзда ёритилмоқдаки, бу шубҳасиз, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини оширишга хизмат қилаётган.

Мамулимизни нихосида «Инсон ва қонун» газетасининг иккунчи жамоасига улкан иккунчи парвозлар тилаб қоламиз. Жумавой МУСУРМОНКУЛОВ



# Бухоро вилояти аҳли... улкан ишлари ва хизматлари билан Ватанамиз равнақи ва тараққиёти йўлида, олдимизга қўйилган буюк мақсадларга, аввало, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

## Ислом КАРИМОВ



Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи



Бахт уйи



Бухоро меҳмонхонаси



Тоқи теллақфурушон обидаси

## Ҳуқуқий тарғибот — давр тақозоси

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни кенг оммага етказиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш, ишлари ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда фаол сиёсий позицияни вужудга келтириш, шунингдек, миллий қонунчилик соҳасидаги ўзгаришлар ва янгиланишларни ўз вақтида аҳоли ва кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинишини таъминлаш мақсадида вилоят адлия бошқармаси ва унинг тизимидаги идоралар томонидан ҳуқуқий тарғибот ва қонунларнинг таъшиқотини амалга оширишда талай ишлар қилинмоқда.


Жумладан, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида 1408 мартаба ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди. Ушбу ҳуқуқий тарғибот ишлари юқорида таъкидланганимиздек, вилоятдаги барча таълим муассасалари, туман, шаҳар ҳокимликлари, маҳалла ва қишлоқларни қамраб олиб, унда мамлакатимизда бугунги кунда амалга оширилаётган кенг қамровли сиёсий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотларнинг моҳияти, ушбу ислохотларнинг мақсади ва эришилаётган ютуқлар ёритиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган икки чораги давомида оммавий ақборот воситаларида чиқишлар қилиш 181 тани ташкил этиб,

шундан 35 та телевидение, 32 та радио, 114 тасини эса газета ташкил этади. Вилоятдаги мавжуд оммавий ақборот воситалари билан кенг истиқболли ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, газеталарда мазмунан ва савияси жиҳатдан ҳар бир газетхонни ўзига жалб этадиган мақоралар чоп этилмоқда. Ҳуқуқий тарғибот соҳасида вилоятимизда фаолият кўрсатувчи идоралар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бухоро вилоят адлия бошқармасининг вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа ташкилотлар билан самарали ҳамкорлиги натижасида давлатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли сиёсий, иجتимоий, шунингдек,



суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида эришилаётган ютуқларни вилоятнинг барча ҳудудларига етказиш, мазкур ислохотлар натижасида давлатимиз аҳолисига яратилаётган имтиёزلардан кенг фойдаланиш амалиёти йўлга қўйилди. Жорий йилнинг 26 май куни Президентимизнинг 2007 йил 27 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрли тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби

тўғрисида»ги ПҚ-630-сонли Қарори эълон қилиниши муносабати билан бугунги кунда адлия органлари ва мазкур қарор ижроси учун масъул бўлган ҳар бир ташкилотнинг вазифаларига боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ушбу семинарда вилоятдаги барча туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари раҳбарлари иштирок этдилар. Бундан ташқари, вилоятда болалар фаровонлигини таъминлаш, улар ўртасида турли ҳилдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни ҳалол меҳнат қилиш ва ватанамизнинг садқотли фарзандлари бўлиб етиштирилиши йўлга қўйиш мақсадида, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармаси, вилоят халқ таълими бошқармаси, шунингдек, «Камолот» ЕИҲ билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди ва 2007-2008 йилларга мўлжалланган ҳуқуқий тарғибот ишларига доир чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. **Обабек УРУНОВ, Бухоро вилоят адлия бошқармаси бошлиғи**



Бухоро шаҳридаги Исмоил Сомоний мақбараси



Зиё маскани



Регистон майдони, Арқнинг умумий кўриниши



Осиё меҳмонхонаси




Савдо маркази

## ЯХШИЛИКНИНГ МУКОФОТИ ЯХШИЛИКДИР

Вилоятимизда Абдуллоҳлик Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Минораи Калон ва Масжиди Калон мажмуаларини обод этиш бўйича кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Қўзна Арқ қалъаси, Исмоил Сомоний мақбараси, Лаби ҳовуз мажмуаси ва бошқа қадимий обидалар Бухорои Шариф бағрида олис тарихни кўз-кўз қилиб яшада давом этмоқда.

ЮНЕСКОнинг 1993 йил 11 декабрдаги қарорига кўра, қўзна Бухоро Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди. Бу осмон гумбази остидаги музей шаҳар аҳли масъулиятини минг чандон ошириши баробарида, фахр-ифтихор туйғуларини ҳам уйғотди. Вилоятда тарихий ёдгорликларни, зиёратгоҳларни таъмирлаш ва ободонлаштириш бўйича 2001-2010 йилларга мўлжалланган тадбирлар дастури ҳам ишлаб чиқилган. Унда энг чекка ҳудудлардаги қадимий обидаларни таъмирлаш ҳам эътиборга олинган.



Истиклол йилларида номлари жаҳонга машҳур етти улғу пир Абдуллоҳлик Гиждувоний, Хожа Муҳаммад Ориф ар Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжар Фағнавий, Хожа Али ар Рометаний, Бобойи Самосий, Сайид Мир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳлари таъмирланиб, ободонлаштирилди. Буюк зот-

ларнинг номи ва қадрини улуғлаш учун бундай саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Дарҳақиқат, Маккаи Муқаррама, Мадинаи Мунаввара ислом динининг бешиги, деб эътироф этилади. Бухоро ислом маънавиятининг шаклланиши ва тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган, илмий, илоҳий-маънавий, муқаддас, эзгу гоёлар тўпруги сифатида тан олинган. Одамийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, охиратни ўйлаб яшаш, саховат, муруват кўрсатиш, савоб ишларга қўл уриш фазилатлари халқимиз қон-қонига сингиб кетган. Шу ўринда муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамиятини алоҳида таъкидламоқчиман. Барча қилаётган хайрли, савоб ишларни биз кимгадир кўз-кўз қилиш учун эмас, балки истиқлолимизни ўйлаб, онгу шууримиз ва қалбимиз даъвати билан амалга оширмоқдамиз. Зеро, «Яхшиликнинг мукофоти яхшиликдир!» **Ҳожи Абдулғофур РАЗЗОҚОВ, Бухоро вилояти бош имом хатиби**

Ўтган 16 йил мамлакатимизнинг истиқбол ва тараққиёт йўлини белгилаб берди. Бугун ҳам ҳаётимизнинг барча жаҳалларида туб ислохотлар жараёни давом этмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш, бозор муносабатларини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуришдан иборат. Мазкур жараёнда прокуратура тизими корхона, ташкилотлар устидан назорат қилувчи орган бўлиб қолмасдан, балки уларнинг энг ақил қўмақчиси, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясига айланishi лозим. Бухоро транспорт прокуратураси ходимлари ана шу мезонга амал қилган ҳолда фаолият юритмоқда.



Собир УМАРОВ, Бухоро вилоят транспорт прокурори

учун 179.357.145 сўм миқдоридан шартнома шартларига риоя қилмасдан юк юклаш режасини бажармаганликлари учун 14.870.575 сўм миқдоридан ва вагонларни темир йўлга тазаласдан топширганликлари учун 844.717 сўм миқдоридан жарима қўллани-

либ, ундириб олинди. «Қишлоқхўжалиқимиз» ҳудудий акциядорлик тизимидаги туман филиалларида, «Бухорогазсанотқурилиш» бошқармасига қарашли ташкилотларда, Қоровулбозордаги «Ўзпортёминот» корхонасида, Когон туманидаги «Бухоро Транс-Терминал» ишлаб чиқариш транспорт компанияси корхоналарида вагонлардан ҳўжасизлик билан фойдаланиш «одат» тусига кириб қолган. Натижада қанчадан-қанча маблағлар қўкка соғурилмоқда. Хулоса ўрнида шунни айтиб ўтиш лозимки, мулкчилик шаклидан қатъий назар, ижро интизомига амал қилиш шарт. Шундагина корхоналар бозор талаблари асосида фаолият юрита олади. Шартнома муносабатлари тўғрисида қўйилиб, тўлов интизомига риоя қилинади. Зотан, халқ, жамоа манфаатларига бефарқ қарашни мутлақо кечдириб бўлмайд.

## ИШОНЧ ОҚЛанаДИ

Президентимизнинг 2006 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишга давлат эъти. Маълумки, мазкур ҳужжатда суд қарорларини ва бошқа ҳужжатларни мажбурий ижро этиш борасида суд департаменти, жойлардаги ҳудудий бошқарма, бўлимлар томонидан муайян ишлар олиб борилаётганига қайд этилди. Шу билан бирга, йўл қўйилаётган камчиликларга эътибор қаратилиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари аниқ белгилаб берилди.



Икром АБДУЛҲУСЕЙНОВ, Суд департаментининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Ўтган йил ҳудудий бошқармага фуқаролик, жиноят, ҳўжалик ва ҳарбий судлар томонидан ҳамда ички ишлар, божона, солиқ органлари ва бошқа идоралардан жами 128840,8 миллиард сўмлик ижро ҳужжатлари келиб тушган эди. Ижрога қаратилган мазкур ҳужжатларнинг ижроси 81,3 фоизга таъминланди. Афсуски, айрим ҳолларда ижро ҳужжатига қўйилган талаблар, ҳужжатларни тақдим қилган идоралар томонидан қонун доирасида расмийлаштирилмаганлиги уларни

қайтаришга асос бўлмоқда. 2007 йилнинг биринчи ярмида ижроси таъминланган ҳужжатлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир мунча кўпайди. Бунинг замирида, шубҳасиз, суд ижрочилари масъулиятининг ошганилиги, Юртбошимиз томонидан қабул қилинган қарорнинг ҳаётида таъсир кучи ётибди. Фуқаролик, ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи, жиноятлар натижасида етказилган зарарлар, давлат фойдасига ундирувлар, бюджет фойдасига, солиқ ва мажбурий тўловларнинг ундирилиши бўйича ўтган йили амалга оширилган ишлар кўрсаткичлари анча юқори бўлди.

Ижро ишларининг тобора ортиб бориши суд қарорларини тўла-тўқис ижро этиш ваколати юклатилган суд ижрочилари меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратишнинг бугун даврининг ўзи тақозо этмоқда. Аввало, тизимнинг ўзида ижро интизомини мустаҳкамлаш зарур. Энг асосий мақсад, ўз соҳасини мукаммал биладиган ходимлар кўчларини бирлаштириб, суд қарорлари ва бошқа органлар ҳўжжатларини тўлиқ ижро этишдан иборат. Шундагина, халқ ишончи оқланади.

## Ижро интизоми

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси хизмат кўрсатадиган корхоналарда қонунлар ижросига риоя қилиниши ўргатилганда, баъзи корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ўз ишларига масъулиятсиз ёндашганликлари маълум бўлди. Темир йўл вагонларидан фойдаланишда ўзибуларчиликка йўл қўйилмоқда. Вагонлар ажратилган, белгиланган вақтдан

ортик ушлаб туриш ҳоллари рўй берапти. Бу эса корхона ва ташкилотларга кўп миқдорда жаримлар қўлланилишига олиб келмоқда.

Бухоро минтақавий темир йўл узели тегишмақлик маркази томонидан хизмат кўрсатиладиган ҳудудлардаги корхона ва ташкилотлар шу йилнинг ўтган беш ойи давомида вагонларини мудатидан ортик ушлаб турганликлари

Хорижий инвесторлар ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар мустақиллик йилларида тараққиётнинг катта йўлга чиқиб олди. Энг муҳими, қўлма корхоналарнинг ҳуқуқ ва манфаатлари доимий қонун ҳимоясида.

## Имконият

Яқинда Юртбошимиз иқтисодий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида вилоятимизга таширф буюрганда корхонамиз фаолияти билан танишди. Шехларда бўлиб, ишчилар билан суҳбатлашди. Махсусот ишлаб чиқариш борасида эришилган ютуқлар билан келмаб қолмасдан, корхонанинг экспорт салоҳиятини ошириш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Мамлакатимиз раҳбарининг кўрсатмаларига амал қилган ҳолда яқинда Германиянинг «Шонкер» фирмаси билан шартнома тузди. Шу мақсадда акционерлик тижорат «Пахтабанк» томонидан 2 миллион АКШ долларлари ажратилди. Яқин ойларида 2 та «Альфа-360» русулини дастгоҳ келтириб ўрнатасан, ўз маҳсулотимиз билан дунё бозорига чекла олимаиз. Жунни бўйлаш ва ип йиғирини цехимизда Россияда ишлаб чиқариш ип-қалава йиғирини, бўйлаш, ип ўраш ва куришти дастгоҳлари ўрнатилган. Бу машиналар ўзимизнинг маҳаллий хом-ашё ҳисобидан ишляпти. Ўз ҳудудимиз ва МДҲ давлатлари бозорига бемалол рақобат қила олимаиз.

Ҳозирги кунда фақат буюк маҳсулот Швейцариянинг «Безема» фирмасидан олиб келинмоқда. Шунга кўра, буюкни ўзимизда ишлаб чиқариш мақсадида илмий изланишлар олиб боришмоқда. Корхонамизда барча тўқув дастгоҳлари компьютер ёрдамида бошқарилади. Натижада замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган бежирим гиламларга бюртмалар тобора кўпаймоқда. Корхонамизнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати олти юз минг квадрат метр жунли гилам, тўрт юз минг квадрат метр синтетик гилам маҳсулотларини ташкил этади. Айни пайтда жамоамизда уч юз йигирма нафар киши иш билан банд. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи эса 260.000 сўмин ташкил этмоқда. Мақсадимиз — мустақил ва овоз юртимиз шўхратини ошириш. Гузал ва нафис гиламлар ишлаб чиқариб, экспортбор маҳсулотларини кўпайтиришдир. **Ғолиб РЎЗИЕВ, «Бухоро гилами» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси директори**

## Тадбиркорлик қонун ҳимоясида

Бугун ишлаб, ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсатаман, деган киши учун барча имкониятлар яратилган. Айниқса, тадбиркор, эл-юрт ободлиги йўлида жонбозлик кўрсатаётган одамларга эътибор ҳар қачонкидан ҳам бешанд. Давлатимиз раҳбарининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони тадбиркорларга қўч-қувват баъншляди. Бир сўз билан айтганда, мазкур Фармон ҳуқуқий ҳимоянинг давр талабига мос янги механизмни йўлга қўйди.

Яқин-яқинда тадбиркорнинг фаолиятига атай тўғанок бўладиган, тирноқ остидан кир қўдирадиган ва охири-охирига арзимасган айб учун оғир таъсир чораларини қўллайдиган текширувчилар ҳам йўқ эмас эди. Президентимизнинг ушбу Фармони мана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши табиий. Маълумки, Фармонга асосан тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари фақат судлар орқали амалга ошириляпти. Бу эса назорат қилувчи идоралар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан етарли асосларсиз, баъзан ноҳолис, адолатсиз таъсир чоралари қўлланилишига чек қўйди. Келинг, фикримизни рақамлар тили билан исботлашга уриниб кўрайлик. 2007 йилнинг биринчи ярми-



Мустафо ЖЎРАЕВ, вилоят ҳўжалик суди раиси вазифасини бажарувчи

да Вилоят ҳўжалик суди ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораси қўллаш ҳақида 450 та даъво аризалари кўриб чиқилди. Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тўғрисидаги 10 та, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида 172 та, молиявий санкциялар қўллаш тўғрисида 268 та даъво аризалари қанотлангиларида. Тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрнини суд қарори асосида тўла ҳақда бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда уларнинг, бюджетдан ташқари жағмага маблағлари ҳисобига қўлланиши лозимлиги белгиланган. Ҳўжалик суди томонидан мазкур тоифадаги ишларни кўриш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги Фармони-

га асосланиб, қонунбузарликка йўл қўйган шахсларга нисбатан тегишлича жиноий, маъмурий, моддий ва интизомий жавобгарлик чоралари қўлланилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида тегишли тартибда назорат қилувчи идоралар томонидан семинарлар ўтказилиши ва амалиётда қўллаш тартиби тўғрисида доимий тушунтиришлар бериб бориш лозим. Ана шундай тадбиркорликни ривожлантириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни янада эркинлаштириш тараққиёт кафолатига айланади.



Саифулла МАТЕРНАЛИЕВ, вилоят ҳўжалик суди раиси вазифасини бажарувчи

# Ниқуқий ма'рифат Мулоқот вақти

Хуқуқий демократик жамиятда қонун устуворлиги муҳим ва унга ибтидо хурмат-эҳтиром тўғриси алоҳида аҳамият касб этади.

Бу соҳада Хоразм вилоятида ҳам муайян тадбирлар амалга оширилди. Вилоят шаҳар ва туманларида аҳоли тинчлиги ва осойишталигини муҳофаза қилишга қаратилган саъйи-ҳаракатларнинг мазмуни ва моҳияти, қонунчилигимиз тамойиллари, жамият аъзоларининг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини тушунириш ва тарғиб қилиш бўйича вилоят ҳокими томонидан чиқарилган фармойиш шу соҳадарда қўлдан келтирилган на-вбатдаси бўлди.

Тарғибот-ташвиқот гуруҳи вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, миллий хавфсизлик хизмати, "Камолот" Ешлар ижтимоий ҳаракати ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлимлари раҳбар ҳодимлари, ҳуқуқшунос олимлари, журналистлардан иборат ҳолда шакллантирилган.

Шу йўналишда тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштириш юзасидан махсус ишчи гуруҳи ташкил. Унга вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи О.Каримов раҳбарлик қилая-

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури негизда аҳолининг турмуш даражасини муостаҳкамлаш асосида қонунчилик талабларини бажо келтиришга қаратилган бўлса, сарҳаддаги Қўшқўпир туманида ўтказилган фаоллар анжуманида хорижий алоқаларни муостаҳкамлаш, фуқароларнинг қўшни давлатга чиқиш-киришини таъминлашга оид масалалар эътибор марказида бўлди.


Тарғибот-ташвиқот гуруҳи фаолияти йил бўйи узлуksиз давом этади. Ушбу уйрашувларда уртага ташланган тақлиф ва мулоҳазаларнинг амалий ижроси ишчи гуруҳининг кейинги босқичларда ўтказилган мулоқотларда яна муҳокама мавзусига айланади.

Абдулла СОБИРОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

# Чакмоқтош

## Қозининг тадбири

Хотинининг юриш-туриши, хулқи, одоби ва хизматидан камчилиқ тополмаган жонлиқ эр ундан қандай қутулиш йўлини ўйлаб юрар экан. Ис-сик қунларнинг бирида чан-каган аёл қўлидаги сув тўла қосани энди озгина олиб борган эди ҳамки, эри унга: «Агар сен шу қосадаги суви ичсанг, тўксанг ёки қўлингдан қўйсанг — талоксан!» деди. Шуриқ аёл бу ҳолатдан қандай қуту-



коса сув билан қозига боришга қарор қилибди. Ортидан эри эргашибди. Аёл қозига бўлган воқеани сўзлаб берибди. Шунда қози эр-хотин ва гувоҳларнинг кўз ўнгидан бир хийла ишлатибди. Натияжада эрининг қўйган талок шарт-ларидан бирортаси ҳам бузилмабди ва уларнинг никоҳи сақланиб қолди.

## Нима ёрдам берди?



Бир киши етар-ли мол-дунё тўлагач, хонадонига яхши бир чўри сотиб олмоқчи бўлибди. Бироқ чўри тан-лашда тажрибасиз бўлгани учун бо-зорга аввал шох саройида хизмат қилган бир дониш-манд кўниси билан тушибди. У киши озода ва кўркем кийинган юзлаб чўрилар ичи-дан жулдур кийимли, кўрimsиз бир чўри киз билан сўхбатлашиб, ўшани танлабди. Хари-дорнинг нияти астойдиллигини сезган со-

тувчи чўрининг нархини оширгандан оширибди. Шунга қарамадан, донишманднинг қистови билан ўша чўрини сотиб олишибди. Орадан бир қанча муддат ўтган, чўри узоқ бир юрт подшоҳининг қизи эканлиги, асир сифатида ўза бир подшоҳ томонидан сотиб юборилгани маълум бўлибди. Қизининг дар-рагини топанг подшоҳ уни сотиб олишдан на-ридан бир неча ўн баробар ортқ тиллолар бериб, қайтариб олибди. Ҳақиқатан ҳам бо-лиқдан қувониб кетган ҳалиги одам дониш-манд кўнисининг бу ноёб қобилиятидан ҳай-ратланиб, «Сиз юзлаб чўрилар орасидан қан-дай қилиб подшоҳнинг қизини таниб олдин-гиз?», деб сўрабди. Шунда донишманд: «Менга бу ишда одоб ёрдам берди», деди.

Юзлаб чўри қизлар ичидан подшоҳнинг қизини донишманд қандай қилиб топа олди экан?

## Масала қандай ҳал бўлди?

Қунларнинг бирида шаҳар қозиси олдида иккита туяқаш бир моҳарони ҳал қилиш учун келишибди.

Қарангки, бир кун дарёдан кечиб ўтаётганимизда туямиз сувга қўқиб кетди. Энди шеригим мендан туя ҳақини даъво қилди...



динг-ку, — деб эътироз билдирибди биринчи туяқаш. Хўш, қизи масалани қан-дай ҳал қилди?

«Чакмоқтош»да берилётган ўнта саволга тўғри жавоб топиб, бизга мактуб йўллаган муҳлис тахририятнинг қимматбахо совғаси билан тақдирланади.

## Қулнинг ҳам қули бор...

Бир бой одам давлатмандлигидан керилиб, дониш-манда дебди:

## БИР ҲОВУЧ ДУР



## Илон ва ҳазина

Ривоят қилишларича, бир шогирд устозидан: «Илон билан ҳазина орасида қандай муносабат бор, нега ҳазина бор жойда илон бўлади?» деб сўради. Устоз унга: «Агар юзани қарласа, уларнинг орасида ҳеч қандай алоқа йўққа ўшайди, аслида эса иккови ҳам захардир. Ҳа, албатта, агар бойлик харомдан топилиб, харомга ишлатилса захар бўлур ва эгасини захарлаб қўйур. Агар бойлик ҳалол йўл билан топилиб, ҳалол йўлларга сарфланса шифо бўлур».

## Бир бурда нон

хир, олтинларни беришдан олдин Чин мамлақати шоҳи уни зиёфатга таклиф қилибди. Зиёфатда подшонинг олдида тилларани қўйиб: «Марҳамат, енг», дейишибди. Подшо ҳайрон бўлиб: «Ахир, буларни еб бўлмайди-ку», деди. Шунда улар: «Эй, буюк султон, сиз нима ейсиз?», — дея сўрашибди. Подшо: «Ҳамма қатори нон еяман», деди. Бунга жавобан Чин подшо: «Румда бир парча нон топиш қийинмидики, шунча ерга қўншин тортиб, қон тўксани келибсиз?» — деган экан.

# Акциядорлик Тижорат «Пахта Банк»

Юртимиз галлакорлари ва деҳқонлари диққатига! Галла йиғими мавсумида қатнашётган барча меҳнаткашлардан 2007 йилнинг 20 августига қадар 6 ой муддатга очилиб, йиллик 26 фоиз ҳисобидан даромад тўланадиган «Ҳосил — 2007» жамғарма омонатига маблағлар қабул қилишни давом эттиради.

Шу билан бирга «Пахта Банк» республикамизда истиқомат қилаётган барча юртдошларимизга қўлай ва манфаатли бўлган «Сармоя-1» жамғарма омонати ҳамда «Даромад» муддатли омонат турларини ҳам таклиф этади. Ушбу омонат турларига маблағлар сақлаш муддати тугаган омонатларни қайта расмийлаштириш орқали ҳамда нақд пулда 1 ойдан 1 йил муддатгача сақлаш шarti билан қабул қилиниб, йиллик 24 фоиз миқдоридан даромад тўланади. Омонатлар бўйича фоизли даромадларни ойма-ой олиб боришингиз мумкин.



Омонатга қўйилган пул маблағларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Омонатга қўйган маблағингиз ҳисобига олган даромадингиз солиққа тортилмайдди. Омонатингизни кафолатли асраймиз ва кўнайтираемиз! «Пахта Банк»нинг исталган филиалига мурожаат қилинг ва даромадингизни кўнайтиринг!

## «Пахта Банк» муваффақиятингиз калитидир

### ЭЪЛОН!

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси Бандихон туман давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига

#### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусخаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий ва-рақ;
4. Меҳнат дафтрасининг нотариал тасдиқ-ланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқ-ланган нусхаси.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Сурхондарё вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси телефони: 8(376) 223-31-96

### ЭЪЛОН!

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича малака комиссия-сининг 2007 йил 2 июлдаги йиғилиш қарорига асосан Пекент туман давлат нотари-ал идораси нотариуси Насиба Жаббарова Зиеванинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиш муддати 2007 йил 2 июлдан тўхтатилганлиги МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.

#### ТУГАТИЛАДИ

«PROFESSOR XUDOVOROVNING STOMATOLOGIYA VA IMPLANTATSIYA KLINIKASI» хусусий фирмаси тугатилди.

Даво ва аризалар эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб, икки ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинчи.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй

### ИНСОН ва ҚОНУН

МУАСССА: 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 0081-рақом билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

### Afsus

# Қабоҳатга ундаган қаҳр...

Шерали ва Махфуза 1997 йилда не-не оруз-умидлар билан оила қуришди. Тақдир экан, 2006 йилдан улар (фарзандсиз-лик туфайли) қонуний ажралишмаган бўлса-да, алоҳида рўзгор юрита бошлашди. Бу орада Шерали Озода исмли қизга кўнгли бериб, унга ўйланиш ниятида экан-лини билдирди. Бу хабар эшди тевгилида Махфузанинг қулোগа бориб етди. Эр бермоқ — жон бермоқ, деганларидек, оиласидан жудо бўлганига алаҳзада бўлиб юрган жувон бу хабарни эшитган, ўзини кўнрага жой тополмай қолди. У газабини жилволашга нечоғлиқ уринмасин, бунинг улдасидан чиқмади. Қўнрадан андиша, ор-номусини ҳам бир четга йиғиштириб, Озоданин ишхонасига кириб ботибди. Аёл шу даражада дарғазаб эдики, «Нав-бахор-С» ширкатининг барча ҳодимлари орасида Озодани беишор сўзлар билан ҳақорат қила бошлади. Шералига турмуш-га чиқишга розилик беришга ҳам улгур-маган Озода эса шахсияти тахрирланган-ни, қадр-қиммати оёқости қилинганидан ҳаммаслари орасида ер ёрилмадики, ерга кириб кетса...

Озоданинг ҳаммаслари ҳамон оғзидан бодди кириб, шоди чиқаётган Махфузани

базўр тинчлантириб, уйига жўнатиб юбо-ришди. Шундан сўнг Озода анчик устиди Шералига кўнгра қилиб, зарда аралаш шундай деди:

— Собик турмуш ўртоғингизни йиғиш-тириб олинг, барибир сизга турмушга чиқ-майман...

Қизнинг бу тахлит муомаласи Шерали-га оғир ботди. Мавриди билан Озоданинг ҳузурига бориб, нима воқеа рўй бергани-ни сўраб-суриштирди. Шерали собик тур-муш ўртоғининг ноҳўн хатти-ҳаракатидан қаҳр-ғазабга миңди. Ўйлаб-ўйлаб ахйир аёли билан юзма-юз гаплашиб олиш ния-тида Каттакўрғон шаҳар Туркистон қўчаси-даги 26-уйга йўл олди. У уйга етиб борган-ида жонидан пича тушгандек эди. Қўнгра-роқчи чалганда, Махфузанинг ўзи эшикни очди. Улар ичкари киришгач, Шерали қатъий оҳангда гап бошлади:

— Нега Озодани кўпчилик орасида бешманда қолдинг? Узини бир четга ча-қириб, юзма-юз гаплашсанг ҳам булар-ди-ку!.. Мени тинч қўйсаними, йўқми?..

Уша кезде Махфуза турмуш ўртоғига ажралиш нияти йўқлигини ётиги билан ту-шунтириш ўрнига яна тилига эрк берди:

— Икки дунёда ҳам ўша қизга ўйлани-

Алфред Нобел 1895 йилнинг 26 ноябрда Париж нотариуси идорасида ўз васиятини ўқур экан, хаёлига келган бир фикрдан ўткир қўзғарибди табассум учқунни чакнади. У қароридан қариндош-уруғлари ва яқинлари қандай аҳволга тушишини тасаввур этганди. Ахир, улар 30 миллион қронга эга бўлиш арафасида эдилар-да. Қанчадан-қанча захматлар эъзизга жамғарилган ҳар бир қронда одамларнинг ҳаёти, тақдир ахс этиб турарди. Катъий қарорга келган Нобел васиятномага имзо чекар экан, Берта ҳақида ўйлади.

## Daholar dargohi

# НОБЕЛ ҚОЛДИРГАН ҲАЗИНА



Бўлғуси «Динамик отаси» 1833 йилнинг 21 октябрда Сток-гольмда Иммануэл ва Каролина Андиетта Нобеллар оиласида та-валлуд топди. Алфред ёшлигидан Нобел ва касалманд эди. Шунинг учун у сажиз ёшгача таълимини уй-ида олди. Ўғлида дахлиқ белли-ларининг намоян бўла бошлагани-ни илғай олган она унинг яқин дўсти, мурабийи ва ҳамроҳига айланганди. Бола фанларни пухта ўрганиб, фикрлашда акаларидан ажралиб турарди. У хорижий тил-ларни ўзлаштиришда ўзгача йўл тутиб, Волтер асарларини немис, рус, инглиз, испан тилларига ўти-рди. Сўнгра яна қайта француз тил-ига таржима қилди. Бу машу-лотни қайта-қайта давом эттирар-ди. Ота-онаси Алфреддаги бу исте-дод бежиз эмаслигини билиш-шарди. Чўки Нобеллар аждоди асосчиси, XVII асрда яшаган Пер-рус Олаф Нобелус шундай зако-ват эгаси эди. Шунинг учун суло-ланинг ҳар бир босқичида у ёки бу соҳада буюк кашфиёт сохи-блари учради. Масалан, Алфред-нинг отаси Иммануэл ҳам истеъ-додли кашфиётчи, қурувчи ва меъ-мор эди. У унчалик ҳам илмли бўлмаса-да, ўз ақли билан бойиб кетганди.

Улар — сажиз нафар фарзанд-нинг ўн нафари (қолганлари ва-фот этишганди) йиллар давомиди тадбиркорликда муваффақият қозонганлар. Катта ўғил Роберт Бокудаги нефт саноати эгаси, ўртанаси Людвиг Санкт-Петер-бургда қурул-ароғ заводини таш-кил этди, кенжаотий Алфред эса Нобел исми-шарифини дунёга та-нитди.

Тўри, аввалига ишлар унчалик силлиқ кетавермади. Катта қарз-дорлик туфайли Иммануэл отаси-ни Швецияда қолдириб, Россияга бахтинчи излаб кетди. Санкт-Пе-тербургда унинг омади чоғиб, чи-лангарлик дастохларини ишлаб чиқариш қорончасини бунёд этиш-га муваффақ бўлди.

1853-56 йилларда Қримдаги ҳарбий ҳаракатлар даврида Им-мануэл Россиядан қўлаб вино ва портловчи моддалар бюртмаси-ни олади. Аммо рус-турк уруши тугаган, у бирданга моливий та-назулга юз тулади. Катта ўғлини Россияда қолдириб, Алфред бил-ан Швецияга қайтиб, кимёвий ла-боратория ташкил этадилар.

Алфред бир неча йиллик ишла-нишлари натижасида нитроглице-рин учун капсули донатор иш-лаб чиқаради. Бироқ бу ихтироси унга қимматга тушибди: тажрибалар-нинг бирида лабораторияда қўч-ли портлаш юз берди ва сажиз киши ҳаётдан қўз юмди. Қўрбон-лар орасида унинг 20 ёшли акаси Эмиль ҳам бор эди.

Бу қайғуни кўтара олмаган ота ўлим тўшағига мияланди. Шунча гам-ташвишларга қарамай, Алфред нитроглицерин ҳақида ўйлаш-ни бир лаҳза ҳам тарк этмади. 1867 йилдагина уни тўғал кашф этишга эришди. Бундан унга ту-ганмас бойлик оқиб кела бошла-ди. Тез кунда уни «динамит ота-си» деб шарафлай бошладилар.

Афсуски, Нобел ўзини ҳақиқий оила бошқисига сифатда бахтли сан-най олмасди. Унинг шахсий ҳаёти чигалликларга бой бўлди. Йигир-ма ёшида дорихона хизматчиси бўлган француз гузалига ошиқ бўлди. Аммо унга ўйланиш тақли-фини айтиш ўмидада юрган вақ-тида қиз қаттиқ касалга чалиниб, оламдан ўтди. У бу зарбадан ан-

майсан! Мабодо амал-тақал қилиб йил-лансанг ҳам барибир турмушингни бузиб юбораман...

Шерали бу гапдан сўнг батамом ўзини йўқотди. Ўша кезде унинг қизи тоқчадаги личоққа тушибди. Шамол тезлигида бориб личоқни қўлга олди ва ўша заҳоти... Бир нафасдан сўнг Махфуза гуриллаб ерга қулади. Унинг чап кўнрагидан қон силқиб оқарди. Шерали дафъатан қўнралига қўл урганни англади-ю, бутун вужуди қўн-лаб кетди. Қўл телефонидан «Тез тиббий ёрдамни чақирдишга ҳарчанд уринмасин, фойдаси бўлмайди. У минг бир маашақат билан касалхонага бориб, шифокорни уйга олиб келганида Махфуза бу ёруғ дунёни тарк этиб бўлганди. Уз қўлишдан пу-шаймон бўлган Шерали Каттакўрғон ша-ҳар ИИБга бориб, рўй берган фожиа ҳақида хабар қилди.

Жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон шаҳар суди маъкур жиноий ишчи ҳар томонлама қўриб чиқиб, Шерали Каримов-ни 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Ҳа, муҳаддам икки маротаба жиноий жавобгарликка тортилган Ш.Каримов, афсуски, яна бир қарра жиноят ботқоғига ботди. Жаҳл ақлининг душмани, — инсон-да жазаво хуружини пайдо қилди. Ўзини қўлга олиб, жаҳлини жилволай олмаган Шерали бир инсоннинг умрига зомин бўлди. Одамқуллик эса гўноҳи азимдир.

Дилшоҳ ҚУБАЕВ, Каттакўрғон шаҳар прокурори ўринбосари, Дилфуза ПАРПИСОЕВА, «Инсон ва қонун» муҳбири

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Абдуллаев Икhtiёр Бахтиёрвич	Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Аҳмедов Абдулҳалим Абдураимович	Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич
Махмудов Лазизжон Мирзаевич	Содиқов Хуршид Махмасидович
Мустафаев Бўриғош Мустафаевич	Ҳамроев Исом Ҳамзаевич

Навбатчи: Дилфуза РАХИМБЕКОВА

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарход ХУЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва сақланади. А-2 бичида, 2 босма табоқ ҳақмида, офсет усулида «Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмасида босилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Т-615, Тиражи — 8120. Босилиш топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 18.30

ТАНЛОВНИНГ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50 e-mail: inson\_va\_qonun@mail.ru 1 2 3 4